

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ**

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

О.Р.Юлдашев, С.М. Абдуллаева, Д.А.Эшназаров

Битирув малакавий ишининг

**“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими учун
услубий қўлланма**

Барча бакалавр таълим йўналишлари учун

Тошкент – 2019

Муаллифлар:

О.Р.Юлдашев, С.М. Абдуллаева., Д.А.Эшназаров

Битирув малакавий ишида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими учун услубий қўлланма ТТЕСИ. 25 б. Тошкент, 2019

Услубий қўлланмада “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология”нинг малакавий битирув ишлари бўлими учун қўйилгани ва унда асосий талаблар кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда техника хавфсизлиги чора тadbирларини таъминланиши ишлари ҳақида кўрсатиб ўтилган. Услубий қўлланма барча йўналиш талабалари учун тавсия этилади.

Такризчилар:

т.ф.н. доцент И.Ахмедов Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ” кафедраси.

т.ф.н.катта ўқитувчи Т.К.Умаров Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг “Меҳнат муҳофазаси ва экология ” кафедраси.

Ушбу услубий қўлланма ТТЕСИ илмий-услубий кенгашида тасдиқланган “ _____ ” 2019 й. Баённома № “ _____ ” билан чоп этишга тавсия этилди.

К И Р И Ш

Битирув малакавий ишлари (БМИ) “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими бўйича вазифалар қўйилган. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимида асосан ишлаб чиқариш фаолиятидаги хавфсизлик, факултетдаги вазиятлардан ҳимоя қилиниши ва экологик хавфсизлик ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Талабалар битирув малакавий ишлар учун топшириқ олгандан сўнг “Меҳнат муҳофазаси ва экология” кафедрасилан тайинланган маслаҳатчи-ўқитувчи томонидан “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими учун вазифа оладилар. Топшириқ бериш билан бир қаторда талабага фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ҳам тақдим этилади. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими учун берилган топшириқ олишда битирувчи-талабага “Меҳнат муҳофазаси ва экология” кафедраси маслаҳатчи-ўқитувчи орқали бир ҳафтадан кечиктирмай топшириқ олишларини таъминлаши керак.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими топшириғи талабанинг асосий БМИ ишлари билан узвий боғланган ҳолида берилган бўлиши керак бўлади. Бўлимда техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва иш жойларини белгиланган меъёрлар асосида тўғри ташкил этилганлигини, бошқарув жойлари, факултетдаги вазиятлар, экологик назорат, экологик ечимлар, экологик хавфсизлик ва бошқалар бир ёки бир неча саволлар орқали ечимларининг ишланмалари берилган бўлиши керак.

Илова қисмида “ҲФХ ва экология” бўлими учун мавзулар келтирилган.

Битирув малакавий ишларида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимлари ҳажми

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими ҳисоботлар ва графика асосида бўлиши керак бўлади.

Ҳисоботлар қисми асосий қисмлардан бири бўлиб, унда битирув ишларининг бўлимини тушунтириш ишлари билан амалга оширилади, бўлимнинг умумий ҳажми, меъёрга кўра 8-12 вароқни ташкил этиши керак бўлади. Бу ерда объектларнинг хавфли ва зарарли ҳолатларининг таҳлили келтирилиб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология (танланган конструкция, схема, тузилиши, услуби ва ҳакозога) масалалари талабларига асосланган ҳолда бўлиши керак, ҳисоб-китоблари, хулосалар амалий талабларга таянган ҳолда, стандартлар ва бошқа меъёрий материалларга, қабул қилинган қарорларда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ва экологияни назарга олган ҳолда самарали баҳоланган бўлиши, шу билан бир қаторда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий сарф ҳаражатни эътиборга олган бўлиши керак.

Умумий хулосалар, ортиқча меъёрий ҳолатлар, талаблари ёзиш тақиқланади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими бир неча қисмлардан иборат бўлиши тавсия қилинади. Биринчи қисмида ўрганилаётган лойиҳаларнинг (объект) зарарли ва хавфли (цехлар, участкалар, қурилмаларни тўғри жойлаштириш, тўқимчилик ва енгил саноат жихозлари, усуналар, ва ҳакозо.) ёки техник хавфсиз иш жараёнлари нуқтаий назаридан, шу билан бирга ёнғин ва портлаш хавфига тўғри баҳо берилиши керак. Иккинчи қисмида ҳаёт фаолияти хавфсизлигида (ёнғин хавфсизлигида қўлланиладиган чора тадбирлар ва шифокорга қадар бериладиган биринчи ёрдамлар) масалаларни ўз ичига олади. Учинчи қисмда техник регламент қонун ости ҳужжатларига асосан ишлаб чиқариш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги муаммолари, экологик назорат ва уларнинг асосий ечимлари масалалари ёритилган бўлиши керак.

Битирувчи талаба малакавий ишининг бошқа бўлимларида ҳам ҳаёт фаолияти хавфсизлигига тегишли масалаларни ҳал қилиши керак. Масалан, ишланма бажарилаётган вақтида - ускуналарнинг ҳимоя қатлами бўлишини, ҳимоя тўсиқлари билан таъминланган бўлишини, блокировкаси бўлишини инобатга олиши керак бўлади; технологик жараёнларда фойдаланилаётган машина ва механизмларнинг хавфсизлик схемаларининг ишланмалари бўлиши; электр дастгоҳларини ерга ва нолга уланиши ва бошқа ҳимоя чораларини, ерга улагич қаршиликлари кўрсатилган ҳолда тушунтирилиб кетилган бўлиши, нол симнинг кенглиги ва бошқалар ишланган меъёрлап ва ҳисобларга жавоб бериши керак керак.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналаридаги хавfli ва зарарли омиллардан ҳимояланиш борасида жамовий ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш борасида техник ечимлар киритиш лозим.

Тоифаланган корхоналарни ёниш ва портлаш хавfliлигига аниқлик киритилган ҳолда тегишли чоралар механизмини ишлаб чиқиш.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлими бўйича битирувчи талабаларга маслаҳатлар бериш

Талабаларга маслаҳат бериш тартиби “Меҳнат муҳофазаси ва экология” кафедраси томонидан ўрнатилган тартибда олиб борилади, ҳар бир битирувчи талаба учун 2 соат ажратилади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимига қўйилган талаблар бажарилгандан сўнг – кафедра ўқитувчилари “Раҳбар” томонидан битирув малакавий ишларининг титул варағига тушунтириш хати ёзилиб, тасдиқланади, раҳбар томонидан бўлим тасдиқланмаган бўлса БМИ иш тўлиқ бажарилаган ҳисобланмайди.

Битирув малакавий ишларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизли ва экология” бўлими учун расмилаштириш

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимини расмилаштириш олдинги топшириққа мос ҳолда бўлиб, лойиҳани хавфсизлиги ва экологик томонларини кўрсатиб ўтилади.

БМИ сўнгида Экология фойдаланилган адабиётлар рўйхатида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимини ёзишда фойдаланилган адабиётлар ҳам кўрсатилган бўлиши шарт.

Битирув Малакавий Ишларини ҳимоя қилишда талаба “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология” бўлимига тегишли мавзуга ҳам тўхталиб ўтиши керак.

Битирув Малакавий Ишларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизли ва экология” бўлимининг асосий йўналишлари

1. Умумий саволлар

1.1. Санитария талабларига мувофиқ лойҳалаштирилган объект, корхоналарнинг ишланмалари ва ёнғин хавфсизлиги(майдонни танлаш, объектларни тўғри ўрнатилганлиги ва тўғри жойлаштирилганлиги, ёнғин ва санитария бўлимлари, ўтиш йўлларининг схемалари, коммуникациялар тармоқларини жойлаштириш, керакли қулайликларни яратиш, кўкаламзорлаштириш ва бошқалар) чоралари кўриб чиқилиши керак.

1.2. Ишчи хоналарни режалаштиришда хавфсизлик талабларини, санитария, ёнғин талаблари ишланмаларини бўлиши керак.

1.3. БМИ ишларида техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги мустаҳкамлигини баҳоланади..

2. Иш жойини тўғри ташкил қилиниши

Илмий нуқтаий назардан иш жойини ташкил этилиши. Иш жойини ташкил этишда бошқариш органларини, қурилмаларни, ускуналарни ва бошқа жиҳозларни тўғри жойлаштириш керак бўлади, ишчи ҳудуддига қўлланиладиган фактура, материалларининг ранги кўрсатилган бўлиши керак. Иш жойининг схемасини келтирилган бўлиб, унда иш майдонининг горизонтал ва вертикал текисликларидаги қурилмалар (жиҳозлари)нинг жойлашуви кўрсатилган бўлиши керак.

3. Гиподинамия (монотония) ва уларни инсон саломатлигига таъсири

Иш унумдорлигини ошириш мақсадида ақлан ва жисмонан бажариладиган меҳнатни ташкил этилишини асосий йўналишлари ва формалари.

Асаб тизимлари касалланишини келтириб чиқарувчи омиллардан ҳимояланиш чоралари. Инсоннинг руҳий фаолиятини меъёрда ушлаб туришда шарт-шароитларни тўғри ташкил этилиши. Асаб тизимлари касалликларини келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олувчи ва умумий соғламлаштириш чораларини ишлаб чиқариш. Ақлий зўриқишни олдини олади ва иш унумдорлигини ошириш, ҳамда иш мобайнида соғлиқни сақлаш учун оптимал шароитлар ишланмаси.

4. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни келтириб чиқарувчи ҳолат ва сабабларни аниқлаш

Бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар ва шу билан бир қаторда самарали профилактик ташкилий ишлар.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларни келиб чиқиши сабабларининг тахлили, статик тахлили, монографик тахлили, топографик тахлили, экологик

тахлили бўлиши керак. Келтирилган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда корхоналарда жароҳатланишларга олиб келувчи ҳолатларни аниқлаш, профилактика ишларини асослаб бериш ва хавфсиз иш шароитларини яратишларни чора – тадбирлари.

5. Шовқин ишлаб чиқаришдаги зарарли омил сифатида

Лойиҳаларда кўрсатилган ва хоналарда шовқинни инсонга таъсир этувчи вақтга қараб рухсат этилган меъёрий даражасини аниқлаш. Иш жойидаги шовқин чиқарувчи манбалар. Шовқинни санитария меъёрий талабларига жавоб бериш даражаларини таққослаш. Талабга жавоб берувчи шовқингача пасайишни аниқлаш. Ишлаб чиқаришда шовқинга қарши шахсий ҳимоя воситалари. Шовқинга қарши чора-тадбирларни ташкил этилиши. Шовқиндан ҳимоялашда қилинадиган чора –тадбирларни тўғри баҳолаш.

6. Вибрация (титраш) ишлаб чиқаришда зарарли омил сифатида

Иш жойида фойдаланиладиган қурилманинг ишдан чиқиши натижасида ҳосил бўладиган вибрация) кузатилаётган вибрациянинг асосий манбалари. Ҳимояланишнинг асосий воситалари (шахсий ва оммавий, танлаш, уларни асослаб бериш ва ҳисоблаш ишлари). Вибрацияга (титраш) қарши чора-тадбирларни ташкил этилиши.

7. Ишлаб чиқариш муҳитида микроиқлимни инсон организмига таъсири

Иш майдонидаги ҳаво муҳитининг ҳолати (ишлаш хонаси, ишлаб чиқариш цехлари, очик ишлаб чиқариш майдони ва бошқалар) .

Ҳаво муҳитидаги асосий гигиеник омилларнинг аҳамияти. Ишлаб чиқариш муҳитидаги ҳаво шароитини параметрларини аниқлаш. Ҳаво ҳаракат

тезлигини ва йўналишини аниқлаш. Санитария меъёрларига асосланган ҳолатда микроиқлимни параметрларини ҳисоблаш учун яратилган ишланмалар.

8. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво муҳитини соғламлаштиришга қаратилиши

Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво муҳитига ажралиб чиқувчи моддалар тавсифи. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳавода учраши мумкин бўлган зарарли моддаларни рухсат этилган меъёрлари қўллаш. Ишлаб чиқаришда вентиляция турига қўйиладиган асосий талаблар. Механик вентиляциянинг хонадаги умумий ҳавони алмашинувни ҳисоблаш. Ҳаво тозаллигини ва соғламлаштирилиши учун амалга оширилган тадбирларни тўғри баҳолаш.

9. Ишлаб чиқаришда сунъий ёритилганлик

Хоналарни ёритилишида қўйиладиган меъёрлар. Шу корхона учун ишлатилинадиган ёритиш манбаларининг турлари. Ёритиш умумий тизимларини ҳисоблашда аниқлик талаб қилувчи ишларини талабига кўрага мос бўлиши. Асосий ёритиш манбани, ёритиш тизимларини ва ёритгичларни танлаш.

10. Ишлаб чиқаришда табиий ёритилганлик

Хоналарни ёритилишига қўйиладиган меъёрий талаблар. Умумий ёритилганлик тизимини ҳисоблашда аниқлик талаб қилувчи ишларини талабига кўрага мос бўлиши. Меъёрий ҳужжатлар асосида зарур хулоса чиқариш. Табиий ёритилганликни тўғри ташкил этилиш тадбирлар.

11. Қурилмалар билан ишлашда электр қурилмалардан жароҳатланишдан ҳимояланиш

Электр асбобларни асосий тавсифи. Электр хавфсизлигини ташкил қилиш нуқтаий назаридан таҳлиллаш. Электр токини инсон организмига салбий таъсири. Электр токи таъсиридан ҳимояланиш турлари. Электрдан ҳимояланишни асослаш ва талабларга асосланган ҳолида танланиши. Ҳимояланиш қурилмаларини танлаш (ҳимояланувчи ерга улаш, нолга улаш ва бошқалар) ҳисоблаш йўллари. Ерга улаб муҳофаза қилишнинг жойлаштириш схемаси.

12. Ишлаб чиқариш объектларида яшиндан ҳимояланиш тадбирлари

Ишлаб чиқариш шароитига кўра яшиндан ҳимояланишда ҳамдаундан сақланиш воситаларини танлаш. Объектнинг яшиндан ҳимояланиш категориясини аниқлаш, яшин қайтаргични турини танлаш, уни баландлиги ва ерга улагичнинг қаршилигини ҳисоблаш.

13. Фавқулоддаги вазиятлар. Корхоналарни фавқулоддаги вазиятлардан ҳимоялаш ва уларни бартараф этиш ҳақида

Фавқулоддаги вазият тушунчаси. Фавқулоддаги вазият жараёнлари. ФВ.ни масалалари ва уларнинг ечимлари. ФВ ни тоифаланиши. Фавқулоддаги вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш усуллари ва принциплари. Фавқулоддаги вазиятларда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашни тадбирларини режалаштириш. Фавқулотда вазият оқибатларини бартараф этиш йўллари.

Объектлар ҳақида умумий маълумотлар. Ишлаб чиқариш объектларининг хавфлилигини тахлили. Фавқулотдаги вазиятларда ишлаб чиқариш объектларини локализациялаш ва бартарф этишни таъминлаш. Хавfli ишлаб чиқариш объектларида хавфсизликни таъминлашда декларациялар ишлаб чиқариш.

14. Радиоактив моддалар билан ишлаганда хавфсизлик чоралари

Ишлатиладиган радиоактив моддаларни хоссалари ва уларнинг инсонга зарарли таъсири. Радиоактив моддалар билан ишлаганда иш вақтини меъёрланиши. Ионланувчи нурланишдан химояланиш чораларининг ишланмалари.

15. Зарарли моддаларни хавфсизлигини таъминланиш чора-тадбирлари

Зарарли моддаларни тавсифлари ва уларни инсон организмга салбий таъсири. Зарарли моддалар билан ишлашда ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар ҳақида. Зарарли моддалар билан ишлашда шахсий муҳофаза чоралари ва профилактика ишлари.

16. Қурилмаларни монтаж(йиғишда) қилишда хавфсизлик чоралари

Монтаж қилиш майдонлари ва иш жойларини тўғри ташкил қилиш. Ишлаб чиқаришдаги ходимларга салбий таъсир этувчи хавfli ҳудудлар схемаларини кўрсатиш. Жиҳозлар ва қурилмаларни тўғри жойлаштирилиши. Корхоналарда монтаж (йиғиш) ишларини ўзига хослиги. Юк кўтарувчи механизмлар, такелаж воситалари, юкларни бир жойга йиғиш. Қурилмаларни монтаж қилишда меҳнатни муҳофаза қилишниш ишлари бўйича чора-тадбирлар. Шахсий муҳофаза чоралари.

17. Лазерлар билан ишлаганда хавфсизлик чоралари

Лазер қурилмаларини ишлатишда ҳосил бўладиган хавф, уларни ишлаётган персоналга таъсири, лазер нурланишларни меъёрлари, лазер нурларидан ҳимояланиш чора-тадбирлари. Шахсий ҳимоя воситалари.

18. Қурилмаларда виброҳимояланишни ҳисоблаш

Қурилмаларни тузилиши ҳақида ва ишлаб чиқариш хоналарини иш жойларини қандай жойлаштирилганлиги ҳақида қисқача маълумот. Доимий иш жойларида вибрация (титраш)га рухсат этилган параметрлар ҳақида. Виброҳимояловчи қурилмаларни ишлатишда қўйилган асосий талаб ва кўрсатмалар ҳақида маълумотлар. Виброҳимояланишни ҳисоблаш.

19. Ёнғин хавфсизлиги

Ишлаб чиқариш корхоналарини ёнғин хавфсизлиги бўйича категориясини аниқлаш ёнғин-портлаш хавфсизлигини аниқлаш.

Қўйилган талабларга кўра ёнғин хавфсизлиги ҳажми меъёрлари ва уларни ҳисоблашлар орқали аниқлаш.

Қурилиш конструкцияларининг ёнғинга чидамлилиги бўйича биноларга қўйиладиган асосий талаблар меъёрлари ва ҳисобларга кўра ёнғинни давомийлигини аниқлаш.

Қурилиш конструкцияларининг ҳақиқий чегаравий меъёрлари бинолар учун ҳисоблашлар орқали аниқлаш.

Автоматлаштирилган тизимларнинг ёнғинни ўчиришга ҳизмат қиладиган алоҳида асбоблар ёки хоналар орқали бажарилишини ишланмалари.

Портлаш ва ёнғинларни ҳосил бўлиш хавфларини камайтириш чора тадбирларини ишланмалари.

Асбобларни ёки корхоналарни босим бўйича ҳажми ҳисоблаш.

Ойнали ёки энгил учувчи панелларни босимлари бўйича ҳажми майдонга қўйиладиган талабларига асосан аниқлаш.

Эвакуация йўллари жамоат жойларида ва ишлаб чиқариш биноларида ҳисоблаш.

20. Нурланишдан ҳимояланиш

Радиоактив моддалар билан ишлаганда хавфсизлик чоралари.

Инсонлар таъсир этувчи ренген нурларидан ҳимояланишни ишланмалари ва ҳисоботлари.

Гаммадефектоскопия қурилмаларини бошқаришда шахсий ҳимоя чоралари.

ЎЮЧ ва ЮЧ таъсирларидан ҳимояланиш чораларини ишланмалари ва генераторларнинг ишланмалари.

РЛСни синалиши даврида нурланишдан шахсий ҳимояланишдаги хавфсизлик чоралари.

ЎЮ таъсирларини антенна-фидер РЛС қурилмаларинг созлаш, ёки ишлатиш даврида ҳизмат қилаётган ҳодимларнинг ҳимояланиши.

21. Ҳимояланишнинг автоматик ва сигнал усуллари

Иш бажарилишида ҳатоликка йўл қўймаслик учун блокировка мосламалари.

Машина техникаларининг ёқилғи чангларидаги портлаш хавфини олдини олиш учун блокировкалаш.

Корхоналардаги(объектда, иш жойида) ёнғин сигнализация тизимлари.

Огоҳлантирувчи белгиларни ва сигналларни бўйлаш.

Электр токдан таъсирланишнинг олдини олишда огоҳлантирувчи қурилмалар ва схемалар.

Ёнғинни ўчиришнинг автоматик қурилмалари.

Олдиндан огоҳлантирувчи белгиларни тизимива қурилмалари.

“ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИДАН САВОЛЛАР

1. Енгил саноат ва тўқимачилик корхоналари ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат.
2. Авария ҳолатлари ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари.
3. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида шамоллатиш.
4. Асосий муҳофаза воситалари.
5. Бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш бўйича умумий қоидалар.
6. Бино ва иншоотларда портлаш сабаблари ва оқибатлари.
7. Биноларда портлашга қарши ҳимоя воситалари нималардан иборат.
8. Биноларда портлашга қарши ҳимоя воситаларини лойиҳалаш.
9. Бино ва иншоотларни ёнғин ва портлаш хавфи бўйича гуруҳланиши.
10. Дозиметрик асбобларнинг тузилиши, ишлаш тамойили ва вазифалари.
11. Дренчер қурилмали ярим автоматлашган ўт ўчириш тизими.
12. Ёнғин даракчилари ва алоқа тизими.
13. Ёнғин муҳофазасини ташкил этиш ва ёнғинни ўчириш.
14. Ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш.
15. Ёнғин хавфсизлиги бўйича умумий талаблар.
16. Ёнғинга қарши умумий талаб ва қоидалар.
17. Ёнғинга қарши химоя системаси.
18. Ёнғиндан ҳимоялаш ташкилотлари тизими.
19. Ёнғинни назорат қилиш, ўчириш усуллари ва воситалари.
20. Ёнғинни олдини олиш системаси.
21. Ёниш турлари, ёниш жараёнининг механизми.
22. Ёруғлик манбалари ва ёритиш ускуналари.
23. Жамоат бирлашмаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки.
24. Жароҳатланиш ва касб касалликларини ўрганиш усуллари.
25. Жароҳатланиш ва касб касалликларининг сабабларини таҳлил қилиш.
26. Жароҳатланиш кўрсаткичлари ва сабабларини ўрганиш услублари.
27. Жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари ҳақида тушунча.
28. Инсон «Инсон - муҳит» тизимининг элементи сифатида.
29. Инсон танасининг электр қаршилиги.
30. Ионлашган нурланишлар.

31. Иситиш системаларининг турлари ва уларга қўйилган асосий талаблар.
32. Ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигига зарар етиши ва иш берувчи масулияти. Умумий қоидалар.
33. Ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойларини ёритишга қўйилган умумий талаблар.
34. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ёнғин хавфини таҳлил қилиш.
35. Ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойларининг микроқлим шароити.
36. Ишлаб чиқариш биноларини ёритиш.
37. Ишлаб чиқариш микроқлимининг гигиеник нормалари.
38. Ишлаб чиқариш санитариясининг умумий тушунча ва таърифлари.
39. Ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойларини шамоллатиш қурилмалари.
40. Ишларни оғирлик ва хавфлилик ва зарарлилик даражаси бўйича таснифланиши.
41. Ишловчиларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига доир ҳуқуқларини руёбга чиқаришдаги қафолатлари.
42. Йўл қўйиладиган ток ва кучланишлар.
43. Қадамли кучланиш.
44. Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофазасини ташкил этишдаги роли.
45. Касб касаллигини олдини олиш ва шахсий гигиена.
46. Кимёвий разведка асбоблар.
47. Кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш.
48. Кучли таъсир этувчи объектлардаги аварияда кимёвий ҳолатни баҳолиш.
49. Кўчма электр қурилма, электрик арматура ва ўлчов асбобларига хавфсизлик талаблари.
50. Лазер нурларидан сақланиш.
51. Махсус кийим бошлар, шахсий химоя воситалари ва профилактик озиқ овқатлар билан таъминлаш.
52. Машина ва механизмларнинг титрашини камайтириш йўллари.
53. Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, ташкилий ва назарий асослари.
54. Меҳнат муҳофааси бўйича асосий қонунлар, стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар.
55. Меҳнат қонунларига риоя этилишини назорат қилиш.
56. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш.
57. Меҳнат муҳофазаси соҳасида назорат органлари.
58. Меҳнат хавфсизлигининг эргономик асослари.
59. Меҳнат шароитини хусусиятлари. Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омиллар.

60. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар.
61. Меҳнатдан майиблиги натижасида жабрланувчига қопланадиган зарар миқдори.
62. Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш.
63. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик.
64. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг қўлланиш соҳаси ва давлат сиёсати.
65. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати.
66. Микроиқлим ва ишчи ҳудудининг ҳаво муҳити.
67. Микроиқлим кўрсаткичлари.
68. Нурланиш нормалари.
69. Нурли ва шлейфли ёнғин хабарчилари.
70. Одамнинг электр тармоғига уланиш схемаси.
71. Радиацион ҳолат тушунчаси ва уни аниқлаш.
72. Радиоактив нурланиш ва уларнинг хоссалари.
73. Радиоактив нурланишларга қарши кураш чора–тадбирлари.
74. Радиоактив шикастланган ҳудудда фуқароларни сақлаш.
75. Саноат корхоналарида бахтсиз ходисалар ва касб касалликларини текшириш ва ҳисобга олиш.
76. Сигнализация ва хавфсизлик белгилари системаси.
77. Спринклерли автоматлашган ёнғин ўчириш қурилмалари ва уларнинг ҳисоби.
78. Табиатда содир бўладиган разрядланиш жараёнлари.
79. Табиатда содир бўладиган фавқулотдаги ҳолатлар.
80. Табиий ёритиш. Сунъий ёритиш.
81. Титраш ҳақида умумий маълумотлар.
82. Товушнинг асосий ўлчов бирликлари.
83. Токнинг инсон организмига таъсири ва ток бўйича хавфсизлик мезонлари.
84. Ультрабинафша ва инфрақизил нурлар, электромагнит майдон ва уларнинг инсон организмига салбий таъсири.
85. Ўзгарувчан электромагнит майдонларининг инсон организмига таъсири.
86. Ўт ўчириш техник воситалари ва уларнинг вазифалари.
87. Ўтнинг ўчириш ускуналари.
88. Фавқулодда вазиятлар унинг сабабчи омиллари ва хусусиятлари.
89. Фавқулодда вазиятларда бошқариш органлари.
90. Фавқулодда вазиятларда ҳимоя воситалари ва тамойиллари.
91. Фавқулодда вазиятнинг таснифи.
92. Фавқулодда ҳолатлар вақтида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни режалаштириш.

93. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг тўғри ишлашини таъминлаш.
94. Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш.
95. Фавқулодда ҳолатлар содир булиш эҳтимоллигини олдиндан билиш ва баҳолаш.
96. Фаолият хавфсизлигини таъминловчи принциплар, услублар ва воситаларининг умумий таърифлари.
97. Фуқаро муҳофазаси вазифалари, тузилиши ва бўлимлари.
98. Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари.
99. Фуқаро муҳофазаси ҳақида умумий тушунчалар.
100. Фуқароларни химоя иншоотларида муҳофаза қилиш
101. Фуқароларнинг муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
102. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари.
103. Ҳаводаги газ ва чанг моддаларининг ёниш жараёни.
104. Ҳаволи механик кўпик тайёрлагич ускуналар ишлашини тушунтириб беринг.
105. Ҳаволи механик кўпик тайёрлагич ускуналар.
106. Ҳаво электр узатиш линияларида фаза симидан яшин қайтаргич сифатида фойдаланиш.
107. Ҳавфсизлик ва фавқулотдаги ҳолатлар.
108. Ҳавфсизлик муаммолари.
109. Ҳавфсизлик техникаси тўғрисидаги умумий маълумотлар.
110. Ҳавфсизликни тизимий таҳлил қилиш.
111. Ҳавфсизликни таъминловчи техник воситалар.
112. Ҳавфсизликни таъминлаш услублари ва уларнинг таснифи.
113. Ҳавфсизликни таъминловчи принциплар ва уларнинг таклифи.
114. Ҳавфсизликнинг тизимий таҳлили ҳақида тушунча ва унинг мақсади.
115. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
116. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг моҳияти ва мақсади.
117. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг бошқариш функциялари.
118. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг бошқариш ҳақида тушунча.
119. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг эргономик асослари. Эргономика ҳақида тушунча.
120. Шамоллатиш турлари.
121. Шахсий химоя воситалари.
122. Шовқин даражасини меъёрлаштириш ва ўлчаш.
123. Шовқин ҳақида умумий маълумотлар.
124. Шовқиндан химояланиш воситалари ва усуллари.
125. Шовқинлар ва тебраниш (титраш).
126. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар.

127. Электр ва газ пайвандлаш ишларида ёнгин хавфсизлиги қандай амалга оширилади.

128. Электр ва газ пайвандлаш ишларида ёнгин хавфсизлиги.

129. Электр қурилма ҳимоя чоралари. Ток юривчи қисмига тегиб кетишдан ҳимояланиш.

130. Электр қурилмаларини ҳимоя учун ерга улаш ва ноллаштириш.

131. Электр қурилманинг ток юрмайдиган қисмларга тегиб кетишда ҳимоя.

132. Электр токи билан жароҳатланиш хавфсизлиги.

133. Электр токи таъсирига тушган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш.

134. Электр токидан шикастланиш.

135. Электр хавфсизлик. Токнинг инсон учун хавфи.

136. Электромагнит майдонларни таъсирдан ҳимоялашнинг асосий усуллари ва воситалари.

137. Электрохавфсизлик шартлари таҳлили.

138. Яшиннинг бино ва иншоотларга таъсири

“МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ” ФАНИДАН САВОЛЛАР

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ташкилотлар учун соҳадаги талабларни белгилаш.

2. Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмлари.

3. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ташкилотлар учун соҳадаги талабларни белгилаш механизми

4. Ҳаво тозалаш қурилмаларига қўйилган асосий талаблар

5. Инсон организмга шовқиннинг таъсири ва уни камайтириш воситалари

6. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги зарарли чанг ва газлардан захарланишни олдини олиш чора-тадбирлари

7. Машина ва механизмларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишда хавфсизлик техникаси

8. Электр қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик чора-тадбирлари

9. Саноат корхоналаридаги технологик жараёнлар хавфсизлиги асослари

10. Сиқилган ва суюлтирилган газ балонлар хавфсизлигини таъминлашга қўйилган меъёрий талаблар

11. Ўта хавфли корхоналарда саноат хавфсизлиги

12. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тизимли бошқариш механизми

13. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини техник жихатдан тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

14. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятига доир қўйилган талаб ва вазифалар

15. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касаллигига чалинишини текшириш ва ҳисобга олишда шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳатланганларнинг суғуртасини таъминлаш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар.

16. Саноат корхоналарида юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиш борасида, ёнғинга қарши профилактик чора–тадбирлар.

17. “Ангрен кўмири” конида тоғ жинсларини таранспортировка қилиш жараёнида хавфсизликни таъминлашнинг техник усуллари

18. НКМК га қарашли экспедицияларида юзага келиши мумкин бўлган хавфли омилларни камайтириш усуллари.

19. Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат муҳофазаси хавфсизлигини таъминлашнинг техник усуллари

20. Нефтни қайта ишлаш корхонасида техника хавфсизлиги меъёрларига риоя этиш қоидаларининг техник регламенти

21. Нефть маҳсулотларини қуйиш ва сақлаш шахобчаларида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш усуллари

22. Марказий таъмирлаш механика заводида техника хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳандислик техник ечимлар

23. Баландликдаги ишларни бажаришда техника хавфсизлиги талабларини таъминлаш йўллари

24. Тез алангаланувчи суюқлик моддаларини ташиш ва тушириш жараёнида ёнғин ва портлаш хавфини камайтириш усуллари

25. Меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва баҳолаш мезонларининг тартиби

26. Ишлаб чиқариш корхоналарини қайта лойихалаб, таъмирлашда асосий меҳнат қуролларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

27. Саноат корхоналаридаги тебранма ҳаракат даражаларини аниқлаб уларни камайтириш усуллари

28. Темир йўллардаги техник воситаларни хавфсизлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари

29. Иқтисодиёт тармоқларидаги бахтсиз ходисалар динамикасига асосланган ҳолда ва уларни камайтириш механизмларини ишлаб чиқиш

30. Бино ва иншоотларини қуриш жараёнида машина ва механизмлар хавфсизлигини таъминлаш омиллари

31. Ходимларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жароҳатланиш, касб касаллигига чалиниши туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби

32. Ўзбекистон темир йўлларида техноген тусдаги фавқулодда вазият юзага келганда йўловчиларни хавфсиз жойларга тезкор эвакуация қилиш механизмлари

33. Темир йўл станцияси ишчи ходимларига шахсий химоя воситалари билан таъминлашнинг тартиби

34. Темир йўллардаги авариялар ва уларни олдини олиш чора тадбирларнинг техник регламенти
35. Меҳнат кодексининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳамияти.
37. Корхоналарда хавфсиз ишлаш усуллари жорий этиш.
Иш вақти ва дам олиш тартиби.
38. Аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш.
39. Меҳнат муҳофаза қилишнинг иқтисодий масалалари.
Суғурталаш.
40. Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси. Меҳнат физиологияси. Жисмоний меҳнат. Ақлий меҳнат. Толиқиш
41. Инсон иш қобилиятини сақлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш
42. Ишлаб чиқаришдаги хоналарини микроклим параметрларини гигиеник меъёрлаштириши
43. Саноат корхоналарида шовқин ва титрашдан ҳимояланиш
44. Ультратовуш ва инфратовушдан ҳимояланиш
45. Ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойларини ёритиш.
46. Саноат чанги ва унинг инсонга таъсири
47. Ҳаво муҳитидаги захарли моддаларга йўл қўйилган миқдорлар меъёри
48. Чанг тутқичлар ва филтрларнинг ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблари
49. Ишлаб чиқариш бинолари ва жойларини шамоллатиш.
50. Ҳавони иситиш, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва иситиш тизимларининг ёнғинга қарши ҳимоялашнинг асосий йўналишлари
51. Саноат корхоналаридаги технологик жараёнлар хавфсизлиги асослари
52. Саноат сигналлари ва хавфсизликнинг техник асослари
53. Рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари
54. Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этиш тартиби.
55. Жароҳатланиш кўрсаткичлари ва сабабларини ўрганиш услублари
56. Жароҳатланиш ва касб касалликларининг иқтисодий оқибатлари ва хавфсиз шароитининг самарадориги
57. Эргономика элементлари ва иш жойларини ташкил қилиш
58. Саноат корхоналаридаги технологик жараёнлар хавфсизлиги асослари
59. Энергетик қурилмалардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси
60. Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда хавфсизлик техникаси
61. Бурғулаш қурилмаларини йиғиш, қисмларга ажратиш ва таъмирлашда хавфсизлик техникаси
62. Ҳаво компрессор станциялари ва қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси
63. Инсон организмига электр токининг таъсири

64. Электр токидан шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва электр токидан муҳофазаланиш воситалари
65. Электр токи таъсиридаги хоналарнинг таснифи ва ерга улаш муҳофаза мақсадлари
66. Муҳофазаловчи электр токини ўчириш қурилмалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар
67. Ёнғин келиб чиқиш сабаблари ва турлари
68. Саноат корхоналарининг ёнғин ва портлаш хавфи бўйича даражалари
69. Саноат корхоналарини лойиҳалашда ёнғинга қарши асосий чора-тадбирлар
70. Меҳнат муҳофазасини ташкилий масалалари
71. Меҳнат шароитлари ишлаб чиқариш травматизм ва иш шароити
72. Электромагнит майдонининг инсонга таъсири, қўйиш ҳолатлари ва улар ҳақида тушунча
73. Электр токи билан ишлаганда ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари
74. Ташкилотларни меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари.
75. Корхона ва ташкилотларда хавфсизлик техникасини асослари, шахсий ва жамовий ҳимоя ҳимоя воситаларининг қўлланиши.
76. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари.
77. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларни имтиёз ва кафолатларини таъминлаш механизми.
78. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш аудит тизими.
79. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳужжатларни юритиш ва йўриқномалар бериш тартиби.
80. Меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиби.
81. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликлардан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси.
82. Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш.
83. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этиш борасида давлат назорати ва текшируви.
84. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича молиялаштириш.
85. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг ягона реестрини юритиш механизми.
86. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи №1,2,3 сонли рўйхатларни амалга ошириш механизми.
87. Гидротехник иншоотлар барқарорлигини таъминлашнинг хавфсизлик омиллари

88.Кимёвий моддалар билан зарарланиш ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари.

89.Бино ва иншоотларни ёритиш усуллари.

90.Атмосфера ҳавосини автотранспорт чиқиндиларидан муҳофаза қилиш механизми.

91.Спорт иншоотларини хавфсизлигини таъминлашнинг чоралари.

92.Меҳнатни муҳофаза қилиш курс машғулотларини ўтказишда интерфаол усуллардан фойдаланиш механизми.

93.Одамларни хавфсиз эвакуациясини таъминлайдиган асосий шарт шароитлар.

94.Ёнғинга қарши ораликлар, тўсиқлар ва уларнинг меъёрлаш асослари.

95.Ёнғин ўчиргичларнинг вазифаси ва тавсифи.

96.Корхоналарни ёниш ва портлаш хавфи бўйича тоифаланиши.

97.Ўта кўп қаватли биноларни ёнғинга қарши сув таъминот тизими.

98.Бирламчи ўт ўчириш воситалари.

ЭКОЛОГИЯ ФАНИДАН САВОЛЛАР

1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини долзарблиги.
2. «Экология» фани ўтилишидан мақсад ва унинг вазифалари.
3. Атроф муҳитни ҳозирги кундаги ҳолати ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини долзарблиги
4. Атроф муҳитни ифлосланиш кўлами ва манбалари.
5. Инсонларни ишлаб чиқариш фаолияти билан атроф муҳитни боғлиқлиги.
6. Табиатдаги антропоген ўзгаришлар, антропоген ўзгаришларни турлари ва шакллари.
7. Табиат билан жамият боғлиқлигининг замонавий босқичи.
8. Жамият-табиат системасидаги қарама-қаршилик.
9. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йуналиши.
10. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат ва жамият ташкилотлари.
11. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини давлат қарорлари, конституциясида ёритилиши.
12. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар.
13. Табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асослари.
14. Биосферанинг таркиби ва функциялари.
15. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш- янги билим соҳаси.
16. Муҳитнинг экологик шароитлари. Биологик ҳаётнинг табиий асоси.
17. Табиий муҳитнинг ва жамиятнинг ривожланиш босқичлари.
18. Биосфера ҳақида тушунча ва унинг чегаралари.
19. В.И.Вернадскийнинг биосфера ҳақидаги таълимоти. Биосферанинг таркиби ва функциялари.
20. Биосферада энергия ва моддаларнинг айланма ҳаракати, биокимёвий цикл.
21. Биосферанинг тузилиши элементлари.
22. Биогеоценозлар.
23. Экологик мувозанат.
24. Табиий муҳитни ривожланишига таъсир қилувчи антропоген факторлар
25. Табиий ва антропоген ифлосланишлар.
26. Инсоннинг табиатга таъсири натижасида шаклланган сайёравий, худудий ва маҳаллий геоэкологик муаммолар.
27. Ер шари иқлимининг исиб бориши.
28. Озон қатламнинг емирилиши.
29. Чўлланиш муаммолари.
30. Ўрмонлар майдонининг қисқариши.
31. Дунё океанининг ифлосланиши.
32. Худудий геоэкологик муаммолар.
- .Маҳаллий геоэкологк муаммолар.

33. Сув омборларининг табиатга таъсири.
34. Тупроқ маҳсулдорлигининг камайиши.
35. Ботқоқоланиш. Шўрланиш.
36. Марказий Осиёда суғориладиган ерларнинг кўпайиши оқибатлари.
37. Марказий Осиёдаги шўр кўллар.
38. Геоэкологик муаммоларнинг иқтисодий- ижтимоий оқибатлари ва уларнинг ечими йўлида қилинаётган тадбирлар.
39. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асослари.
40. Чиқиндисиз технология асослари.
41. Мониторинг. Мониторинг турлари.
43. Атмосферани муҳофаза қилиш.
44. Атмосферанинг таркиби ва унинг ифлосланиши манбалари.
45. Атмосферанинг тузилиши ва таркиби.
46. Атмосфера ҳавосини хоссалари.
47. Газларнинг айланма ҳаракати (CO_2 , азот, O_2 , H_2O , O_3 ва х.к.)
48. Айланма ҳаракатни бузилиши оқибатлари.
49. Атмосферани ифлосланиши натижасида иқлимни ўзгариши.
- Атмосферани ифлослантирувчи манбалари.
50. Гидросферани муҳофаза қилиш.
52. Ернинг сув ресурслари.
53. Сувнинг айланма ҳаракати ва уни аҳамияти, табиий сувларнинг синфлари.
54. Сув билан таъминлаш ва сувни сарфлаш.
55. Чучук сув танқислиги муаммоси.
56. Дунё океанининг ифлосланиш даражаси. Сув ҳавзаларини ифлосланиши оқибатлари.
57. Оқова сувларни комплекс усуллар билан тозалаш.
58. Литосферани муҳофаза қилиш.
59. Ер ресурслари ва уларни ифлосланишидан, тугалланишидан, қискаришидан, эрозияланишидан муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш.
60. Тупроқларни рекультивация қилиш.
61. Ўрмонларни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш туғрисидаги қонуни.
62. Қаттиқ чиқиндиларни ҳосил бўлиши манбалари ва синфланиши.
- Қаттиқ чиқиндиларни механик, меманотермик ва термик усуллар билан қайта ишлаш
63. Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация.
64. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва инсон саломатлиги.
65. Алоқа қурилмаларининг атроф-муҳитга таъсири.
66. Радио ва электромагнит тўлқинларнинг инсон саломатлиги таъсири.
67. Шовқин ва титрашни инсон саломатлигига таъсири.
68. Алоқа соҳасида мониторинг.
69. Экология ҳуқуқи тушунчаси.
70. Экология ҳуқуқи манбалари. Экологик бошқарув.

71. Экологик кадастр, назорат ва экспертиза.
72. Экологик сиёсат..
73. Экологик мадания ва таълим тарбия ҳақида
74. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида чиқарилган қонунлар.
75. Экологик ҳамкорлик

Соҳага оид ҳуқуқий меёрий ҳужжатлар рўйхати

1. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263 - сонли қарорига 1-Илова)
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “ Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида ” 246-сон қарорига 1 -Илова)
3. Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “ Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида” 246 - сон қарорига 2-Илова)
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “ Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида” 246-сон қарорига 3 -Илова)
5. Меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “ Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида ” 246 - сон қарорига 4-Илова)
6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”.
7. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатга олинган).
8. Аёллар меҳнатидан тўлиқ ёки қисман фойдаланиши таъқиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 январда 865-сон билан рўйхатга олинган).
9. Бепул бериладиган махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий химоя

воситаларининг намунавий тармок меъёрлари.

10. Меҳнат вазирлигининг “Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги Намунавий низоми. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 273-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

11. Меҳнат вазирлигининг “ Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида”ги Намунавий низоми. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

12. Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “ Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестатсия қилиш методикаси ”. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2001 йил 7 июлда 247-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

13. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида ”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. “Адолат”, 2008. 37-38-сон, 613-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Т.: “Адолат”, 2009. 16-сон, 197-модда.

16. “Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги низом. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: “Адолат”, 2011. 3-сон, 29-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари. – Нормативные акты по льготному пенсионному обеспечению и охране труда в Республике Узбекистан. / Тузувчилар: В.М. Ничкасов, Й.Ф. Ёдгоров, О.Т. Ашуров.; нашрга маъсул А.А. Акбаров. –Т.: “Адолат”, 2000. – 728 б.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-№ 410.

Адабиётлар.

1. Юлдашев О., Муталов Ш.А. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув-амалий кўлланма. Т.: 2017 й.
2. Юлдашев О., Эргашева Г. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб ускуналарининг жароҳатлаш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш. Услубий кўлланма. “Адабиёт қанотлари” нашриёти. Т.: 2017 й.
3. Дусматов С., Юлдашев О., Абдуллаева С. Методическое руководство к научноисследовательским лабораторным работам по охране труда. ООО Pegas Color Print. Т.: 2016 й.
4. Дусматов С., Юлдашев О. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув - амалий кўлланма. “ Адабиёт учқунлари ” нашриёти. Т.: 2016 й.
5. Ибрагимов Э., Газиназарова С., Юлдашев О. “ Меҳнат муҳофазаси махсус курси”. Дарслик. ТИМИ. Т.: 2015 й.
6. Юлдашев О., Меҳнатни муҳофаза қилиш махсус курси. Дарслик. “Тафаккур қаноти” нашриёти. Т.: 2015 й.
7. Юлдашев О., Жаббарова Ш., Хасанова О. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Дарслик. “Иктисодиёт” нашриёти. Т.: 2014 й.
8. Юлдашев О., Рахимов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув кўлланма. “Фан ва технология” нашриёти. Т.: 2005 й.
9. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-488 б.
10. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон 2016 й. 56 б.
11. Mehnatni muhofaza qilish. O‘quv qo‘llanma. / O. R. Yo‘ldoshev, O.D. Raximov, R.T. Xo‘jaqulova, O.T.Xasanova. –Т.: “ Mehnat ”, 2005. –240 б.
12. Yormatov G‘., Isamuhamedov Yo. Mehnatni muhofaza qilish. Darslik. – Т.: “O‘zbekiston”, 2002. –384 б.
13. Benjamin O. ALLI. Fundamental principles of occupational health and safety. Geneva. 2008.
14. Jeremy Stranks. Health and Safety Pocket Book. Published by Elsevier Ltd. 2006
15. Yo‘ldashev O.R. va boshq. Mehnatni muhofaza qilish. O‘quv qo‘llanma. /O.R.
16. Yo‘ldashev, U. Usmonov, O.Q. Qudratov. –Т.: “Mehnat”, 2001. – 184 б.
17. Ибрагимов Э.И., Қосимова З.М. Ишлаб чиқариш хоналари учун ҳаво алмаштиришларни ҳисоблаш. Услубий кўрсатма. – Т.: ТИМИ, 2005. – 16 бет.
18. Юлдашев О.Р. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан амалий машғулотлар. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 90 б.

19. Гаминазарова С., Ибрагимов э.И., Юлдашев О.Р., Асилова С.. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. –Т.: 2010. –138 б.
20. Ёрматов Ғ.Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. –Т.: “Алоқачи”, 2009 йил. –348 б.
21. G’oуиров Н.Е. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007. – 264 б.
22. Qudratov A. va boshqalar. “Hayotiy faoliyat xavfsizligi”. Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -Т.: 2005. –355 б.
23. Yormatov F. Yo. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: 2005.

Босишга рухсат этилди
Қоғоз ўлчами 60x84 1/16. Ҳажми 1,8 босма табоқ. нусха.
Шохжаҳон кўчаси-5, ТТЕСИ босмаҳонаси.